

Мийқот



11:00 / 15.06.2024 9413

Эҳромга киришнинг тайинли вақти ва тайинли макони бор. Улар «мийқот» дейилади.

Ҳажнинг «замон мийқоти» шаввол, зулқаъда ойлари ва зулҳижжа ойининг биринчи ўн куни.

«Макон мийқоти» эса, турли диёр ҳожилари учун уларнинг Маккаи мукаррамага келиш йўлларига қараб турли жойлардир. Яъни, макон мийқоти Маккаи мукарраманинг атрофидаги махсус белгиланган чегара, деса бўлади.

Ҳаж ёки умра қилувчилар ўша ерларда эҳромга кирдилар. Агар бир одам мийқотдан ўтиб кетиб эҳромга кирса, қайтиб чиқиб, мийқотдан эҳромга кириши лозим бўлади. Иложини топа олмаса, жонлиқ сўйиши вожиб

бўлади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам жами олтита мийқотни зикр қилганлар. Улардан тўрттаси, яъни Зул Ҳулайфа, Жухфа, Яламлам, Қорнул-маназиллар саҳиҳ ривоят билан собит бўлган. Зоти Ирк билан Водий Ақиқ баҳсли мавзудир.

1. Зул Ҳулайфа: Мадинадан келувчи ҳожилар эҳром ўрайдиган жой бўлиб, унга Алий розияллоҳу анҳу қудуғи, яъни «Обору Алий розияллоҳу анҳу» ёки «Абёру Али розияллоҳу анҳу» ёки «Беъру Алий розияллоҳу анҳу» ҳам дейилади. Зул Ҳулайфа Табук ва Иорданиядан келувчилар учун ҳам мийқот ҳисобланади. У Маккаи мукаррамадан 410 километр узоқликда жойлашган.

2. Жухфа: Робиғга яқин бир овлоқ жойнинг номи, у Маҳийъа ёки Харбо ҳам дейилади. Пайғамбаримиз вақтларида бу жой ташландиқ жой бўлган. У Масжидул-Ҳарамдан 187 километр узоқликда жойлашган. У жой қуруқлик орқали келувчи Шом, Миср, Жазоир, Судан, Оврупа мамлакатларининг ҳожилари учун мийқот ҳисобланади. Юқоридаги жойлардан қуруқлик орқали келувчиларнинг Жухфадан эҳром боғлашлари вожибдир.

3. Қорнул-маназил: Имом Нававий раҳматуллоҳи алайҳнинг ёзишларича, Қорнул-маназил билан Маккаи мукаррама орасида икки манзил жойлашган. У Нажд аҳли ва ўша тарафдан келувчилар учун мийқот ҳисобланади. Қорнул-маназил мийқоти Маккаи мукаррамадан катта йўл орқали саксон километр узоқликда жойлашган. Қорнул-маназил Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш, Бирма, Сингапур, Тайланд, Япония, Малайзия, Индонезия, Бруней, Австралия, Масқат, Дубай ва бошқа жойлардан ҳаво йўли орқали келувчилар учун мийқот ҳисобланади;

4. Жабали Яламлам: Бу жой Яман аҳли ва у тарафдан келувчилар учун мийқот ҳисобланади. Денгиз йўли орқали Жиддага келувчилар ушбу ердан ўтганлари сабабли уларга ҳам бу ер мийқот ҳисобланади. Ҳаво йўли орқали бу ердан ўтадиган кишиларга ҳам мийқот Жабали Яламламдир. Бу жой Маккаи мукаррамадан 130 километр узоқликда жойлашган;

5. Зоти Ирк: Бу жой Водий Ақиққа яқин бўлиб, у ердан қуруқлик орқали келувчи Ироқ, Эрон, Хуросон, Афғонистон, Ўзбекистон, Туркменистон, Қозоғистон, Россия ва хитойлик ҳожилар учун мийқот ҳисобланади. Бу жой Маккаи мукаррамадан тўқсон километр узоқликда жойлашган. Зоти Ирк Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам тарафларидан мийқот деб тайин қилиниши борасида Имом Таҳовий раҳматуллоҳи алайҳ баҳс юритганлар.

